

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ЮРТИМИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА САЛОҲИЯТЛИ МУАЛЛИМГА БОҒЛИҚ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 сентябрь куни мактабгача таълим ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат келажаги, иқтисодиёт ривожини, аввало, билимли авлодга боғлиқ. Шу мақсадда юртимизда боғча ва мактаблар қуриш, замонавий ўқув дастурларини қўллаш, таълим сифатини ошириш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ўқитувчиларнинг ойлигига ўндан ортқ устамалар жорий қилинди. Бугун ўз устида ишлаган 60 мингдан ортқ педагог 10-12 миллион сўм миқдорда маош оляпти. Янги баҳолаш тизими бўйича ижобий натижа кўрсатган 300 та мактабнинг бутун жамоаси 40 фоизгача устама олмоқда. Шу ойдан бошлаб мактаб директорлари, боғча мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари ойлиги ҳам 10 миллион сўмдан ошди.

Йил бошидан буён халқро фан олимпиадаларида юртимиз ўғил-қизлари 195 та медалини қўлга киритган. Хорижий тил эгалари жалб қилинган мингдан зиёд мактабда тил бўйича сертификат олган ўқувчилар сони бир йилда 2,5 баробар кўпайган.

Йиғилишда соҳадаги ислохотларни давом эттириб, таълимнинг барча йўналишларида катта ўзгариш қилиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йил мактабгача таълимда ўринлар сони 182 мингтага кўпайтириш режалаштирилган. Уларнинг 82 мингтаси янги боғчалар ҳиссасига тўғри келади. Қолган 100 минг ўрин эски боғчаларни таъмирлаш орқали ҳамда хусусий сектор иштирокида ташкил этилади.

Бунинг учун мактабгача таълим қамрови 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда бўш ерлар аукционга чиқарилади. Уларда давлат-хусусий шериклик асосида боғчалар қуриш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилади. Бундай муассасаларга субсидия бериш, тарбиячилар маошини қисман қоплаш тартиби жорий қилинади.

Янги бино, яхши шароитга яраша боғча ходимларининг салоҳияти ҳам юқори бўлиши керак. Ёз мавсумида 118 минг нафар тарбиячининг малакаси оширилди. Лекин бу етарли эмас. Давлат боғчаларидаги тарбиячиларнинг 38 фоизи, хусусийларида эса 24 фоизи олий маълумотли.

Шу бонс, янги ўқув йилидан ўрта махсус маълумотли тарбиячилар учун беш кун ишлаб, бир кун ўқийдиган бакалавр таълим шакли жорий қилинади. Бу тизим орқали боғчаларга ҳар йили қарийб 10 минг олий маълумотли мутахассис кириб келади.

Келаси йили ҳар бир вилоятда боғча тарбиячиларининг педагогик маҳоратини оширишга методик кўмаклашувчи “Янги авлод” боғчалари барпо қилинади.

Йиғилишда мактаб таълимидаги шароит билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгги уч йилда иқтидорли ўқувчилар учун 201 та ихтисослашган мактаб ташкил қилинган. Лекин 12 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳали якунланмаган.

Олис ҳудудлардаги 74 минг ўқувчи мактабга 5-7 километрдан қатнашга мажбур. Қашқадарё ва Сурхондарёдаги 100 та мактабга бепул автобус қўйилган. Бу зарурат бошқа вилоятларда ҳам илгари сурилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб 1-синфларда информатика дарс соатлари йўлга қўйилди. Кейинги ўқув йилидан юқори синфларга сунъий интеллект бўйича дарслар киритилди. Бунинг учун 2 мингта синф хонаси компьютер ва интерактив доскалар билан таъминланди.

Иқтидорли ёшларга шароит яратиш учун вилоятларда ахборот технологиялари ахтисослашган Ал-Хоразмий, муҳандислик бўйича Мирзо Улуғбек, табиий фанлар йўналишида Ибн Сино мактаблари филиаллари ташкил этилади. Улар ҳудудлардаги техника олий ўқув юртларига бириктирилади. Яхши натижага эришган битирувчилар маъкур мактабларнинг 2-курсига қабул қилинади.

Кейинги йил Ўзбекистонда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида энг нуфузли 2 та — халқро кимё ва информатика олимпиадалари бўлиб ўтади.

Мутасаддиларга бу тадбирларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшлар тарбияси ва бандлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, энди ёш тоифалари бўйича миллий тарбия модели яратилади. Бу орқали болалар замонавий компетенцияга эга мутахассис, миллий қадриятларга содиқ инсон бўлиб тарбияланади.

Болалар контентини ривожлантириш маркази, Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти томонидан ҳафалик мавзуларидан келиб чиқиб, қизқарлик видеороликлар яратилиб, “Миллий тарбия” платформасига жойлаштириб борилади.

Ёшларнинг қобилиятини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама шакллантиришда мактабдан ташқари таълим ва спортнинг аҳамияти катта. Шу бонс, ушбу тизимни янги босқичга олиб чиқиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича Президент қарори имзоланди.

Қарорга кўра, жойлардаги 219 та “Баркамол авлод” мактаби, “Ёшлик” спорт жамияти, Ўқувчи ёшлар маркази ва Ўзбекистон болалар ташкилоти негизида республика, ҳудуд ва туманларда “Келажак” марказлари ташкил этилади. Маъкур марказлар мактаблар билан узвийликни жонлантириб, ўқувчиларни муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат, кирибонлиқ, спорт ва экология йўналишлари бўйича тўғрақларга жалб қилади.

Бунинг учун ҳар бир ўрта мактабда маслаҳатчи лавозимини жорий этилади. Улар ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишига қараб, тил, касб, муҳандислик, ижод, санъат ва спорт тўғрақларини ташкил қилади. Ушбу тўғрақлар ва олимпиадаларда эришган натижалари бўйича ёшларнинг “рақамли портфолио”си шакллантирилиб, электрон шаҳодатномада кўрсатилади.

Давлатимиз раҳбари ёшларимизни касб-хунарли қилиб, доимий даромад топиши учун шароит яратиш энг долзарб масала эканини таъкидлади.

Юртимизда 450 минг ўқувчини қабул қила оладиган 598 та техникум бор. Лекин уларга ёшларнинг қизиқиши, касб топиш кўрсаткичи юқори эмас. Шунинг учун Президент ва ихтисослашган мактаблар таърибаси асосида барча техникумларга халқро стандарт бўйича замонавий касбга ўқитиш муҳитини олиб кириш зарурлиги таъкидланди.

Бу ишларни ягона сиёсат асосида олиб бориш учун Касбий таълим агентлиги ташкил қилинади. Энди инвесторлар буюртмаси билан техникумларда кадрлар мақсадли тайёрланади. Техникум билан дуал таълимни йўлга қўйган қорхоналарга имтиёзли кредит ажратилади.

Ривожланган давлатлар таърибаси асосида касбга ўргатувчи устаноналар ташкил қилиш, хорижий тилларни ўқитишни кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталмай ўтилди.

Йиғилиш якунида мутасаддилар ва педагоглар билан мулоқот бўлиб ўтди.

ЎЗА

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ АТРОФЛИЧА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон билан Финляндия ўрта-сидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда янада кенгайтириш масалалари Финляндия Президентининг мамлакатимизга бўлажак ташрифига тайёрларлик нуқтаи назаридан атрафлича кўриб чиқилди.

Конструктив сиёсий мулоқотлар ва парламентларо алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. 2024 йилда товар айирбошлаш 24 фоизга

ошди. 2022 йилдан мамлакатимизда Финляндиянинг “Нордик” университети муваффақиятли фаолият юритмоқда, мактаб таълимини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, кимё, энергетика, қончилик, телекоммуникация ва бошқа инновацион тармоқларда кооперацияни йўлга қўйиш, жумладан, таълим тизимига илғор технологияларни жорий этиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аниқ лойиҳаларни тайёрлаш учун Ҳукуматларо комиссия йиғилиши ва икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Халқро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Низоларни халқро ҳуқуқ нормалари асосида тинч йўл билан ҳал этиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Охириги беш йилда ер ҳисобини юритиш бўйича янги тизим яратилди, қисқа вақтда мамлакатимиздаги 45 миллион гектарга яқин ер майдонидан 42 миллион гектари, яъни 94 фоизи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 26 миллион гектардан зиёд ерларнинг 88,4 фоизи давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тақдимот давомиди илгари фуқаролар ва ташкилотлар фойдаланишида бўлиб, туман ҳокимликлари тасарруфига қайтарилган бўш ерларнинг ҳисобини алоҳида юритиш зарурлиги таъкидланди. Бундай ерларни қисқа муддатда аукционга чиқариш бўйича инсон омилсиз ишлайдиган тизим яратиш топирилди.

Қишлоқ хўжалигида ерга ижара ҳуқуқини бозор активига айлантириш бўйича ишлар бошланди, ерга нисбатан қайта ижара, иккиламчи ижара институтлари киритилди.

Эндиликда ижарага берилган ерларни қисман қайта ижарага беришга, яъни бир қисмини ўзида олиб қолиб, қолган қисмини бошқа ижарачига ўтказишга ҳам рухсат берилади. Илгари бу учун ерни давлатга қайтариш ва янгиладан аукционга чиқариш лозим эди.

2021 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги ерлари фақат ижара ҳуқуқи билан ажратилмоқда. Йиғилишда 2027 йил 1 январгача қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган барча ерларни ижара ҳуқуқига ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга хизмат кўрсатувчи объектлар — енгил конструкцияли музлаткичли оморхоналар, саралаш, қадоқлаш жойлари, сув тежовчи технологиялар, дала шийпони, техника парк қуришга рухсат берилади.

Бунинг учун аввал ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланади. Ушбу

лойиҳа қурилишга рухсат бериш пайтида ерга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилинади.

Бу янгилик қишлоқ хўжалигида янги имкониятларни очади, боғбон ўз боғининг бир четиди мевани сақлаш жойи, чорвадор ўз яйловининг бир қисмида чорва моллари ва чорва озуқасини сақлаш жойлари қуриш имкониятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш, ижарачиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳага бозор муносабатларини янада кенг жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимот якунида маъкур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фармон имзоланди, қонунности ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши белгиланди.

ЎЗА

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ: ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ НУРЛИ НАТИЖАЛАР ИНЪИКОСИ



Бугун биз гувоҳи бўлаётган ҳар бир ижтимоий янгилик, ҳар бир ислохот оддий воқеа эмас, сана ёки мавсум алмашинувидан анча улкан, чуқур мазмунга эга. Зеро, ўзгаришлар нафақат атрафдаги ҳаётда, балки инсоннинг дунёқараши, жамиятга, Ватанга муносабатида ҳам акс этади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янги босқичга олиб чиқди, балки жамиятимизда Учинчи Ренессанс пойдеворига асос бўлувчи сифат ўзгаришларига замин яратмоқда.

Давоми 3-бетда



“БИЗ ҲАМ ҚОДИРМИЗ”

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА НОМИДАГИ ГИМНАСТИКАГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СПОРТ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Айрим фикр ва қарашлар борки, уларнинг онгимизда қандай қилиб стереотипга айланиб қолганини ҳам билмаймиз. Айтайлик, профессор ёки академик сўзини эшитиши билан кўпчиликнинг ҳаёлида ёши бир жойга бориб қолган, басавлат, кўзоянак остидан вазмин боқиб турувчи кўзлар, нияоятда жиддий ва расмий ишчи кийимидеги киши сиймоси гавдаланади. Ёхуд худди шунинг акси, муайян спорт турлари, масалан, спорт гимнастикаси билан шуғулланувчи атлетлар ҳақида гап кетганда беихтиёр эпчиллик билан батутда сакраётган навқирон йигит-қизлар кўз олдимизга келади.

Бунинг ҳам ўз сабаблари бор, албатта. Йигирмага кириб-кирмаган профессордан маъруза тинглаш қанчалик гайриоддий туюлса, аллақачон қирқ-элликни қоралаб қўйган гимнастнинг энг катта жаҳон ареналарида оламшумул натижалар қайд этиши ундан-да ҳайратланарлиқроқ кўринади. Ахир спорт гимнастикасида ҳатто йигирма беш яшар қатнашчини ҳам қамдан кам учратиш мумкин.

Бундай инсонлар юқорида айтганимиз стереотипларни буткул парчалаб ташлайди, ўзидан кейинги

авлодни руҳлантиради, ортидан эргаштиради. Ёш авлод ҳам айнан уларнинг ортидан боришни, мана шундай юксак натижаларга эришишни истади, бир кун келиб рўпарама-рўпара турганча елкасига баракалла дегандек қоқиб қўйишни хаёл қилса не ажаб. Энди тасаввур қилинг: ўша жажжи йигит-қизлар ўз қаҳрамони билан ҳар кун қўришиб, бирга машгулот ўтказса-чи, мактабда ўқиб, бевосита сабоқ олса-чи?..

Давоми 5-бетда

Эҳтиром

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Яқинда Президентимиз фармонида биноан мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш, халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, хусусан, биофизика йўналишидаги фундаментал тадқиқотлари билан кўплаб муҳим иштироқлар, илғор инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси ҳамда таваллуднинг 80 йиллиги муносабати билан академик Тоҳир Арипов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланди.

Умрини илмга, уни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга бағишлаган академик, биология фанлари доктори Тоҳир Арипов 80 ёшини қаршилади. Атоқли олим юбилейи муносабати билан Фанлар академиясида “Биоорганик кимё ривожининг долзарб муаммолари” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Давоми 2-бетда

Долзарб мавзу



Ислом ХУШВАҚТОВ,
“Давлат экологик экспертизаси
маркази” давлат муассасаси бош
директори маслаҳатчиси

Мамлакатимизда ҳам қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш кун тартибига чиқмоқда. Мазкур тармоқни тараққий эттириш давлатнинг ягона энергетика ва экологик сиёсати этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу борадаги ишлар ва эришилаётган натижалар хусусида тўхталиб, жумладан, бундай деди: “Шу йилнинг ўзига 6,5 миллиард киловатт-соат “яшил” энергия ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, жами генерация қувватларида “яшил” энергия улуши 30 фоизга етди. Биз 2030 йилгача яна 35 миллиард доллар тўғридан тўғри инвестиция ҳисобидан “яшил” энергия улушини 54 фоизга олиб чиқамиз”.

Бирок бугунги глобаллашув жараёнида энергия олиш учун мамлакатимизда анъанавий энергия манбаларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, кўмир, табиий газ ва нефть маҳсулотлари билан бирга мазут ҳам ишлатилапти.

“Мазут” сўзининг луғавий маъноси “қолдиқ”, “чиқиндиқ” демакдир. Яъни мазут нефтни қайта ишлаш жараёнида олинандиган энг охириги фракция бўлади. Узоқ

Шарҳ

АГРАР ТАРМОҚНИ
САНОАТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Бугун бутун дунёда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.



Жаҳонгир ГАЛАЕВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши
бош мутахассиси

Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг қўлмалли ислохотлар ўтказилмоқда. Экин майдонлари диверсификация қилиниб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётимиз ҳажми йил охирига бориб, 130 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Бунда қишлоқ хўжалигининг ҳам алоҳида ўрни бор. Яъни ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 20 фоизи шу соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Кейинги йилларда юртимизда пахта майдонини қисқартириш ҳисобига 160 минг гектар янги боғ ва тоқзор барпо этилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, қайта ишлаш корхоналари, фермер, деҳқон хўжалиги, тадбиркорлар сони ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги очиқ мулоқотида деҳқон ва фермерларга қулайлик яратиш, солиқ юкини енгиллаштириш бўйича қатор муражаатлар бўлган эди.

йиллар давомида ундан асосий ва ажралмас муқобил ёқилги манбаи сифатида фойдаланиб келинмоқда. Кўп-лаб объектлар учун авария ҳолатида мазут захирадаги ёқилги вазифасини ўтайди. Аммо бугунги иқлим ўзгариши билан боғлиқ вазият ҳамда экологик талаблар ундан фойдаланишга хос дунёқарашни тубдан ўзгартирди. Аввало, нархнинг бошқа нефть маҳсулотлариникига нисбатан 3-5 баробар юқорилиги, таркиби 3,5 фоизгача олтингутуртдан иборатлиги, фойдаланишда қурилмаларнинг тезкор коррозияга учраши мазут ишлатиш иқтисодий самарасиз эканини тасдиқламоқда.

Энг асосийси, мазут ёққанда атроф-муҳит кескин ифлосланиши бугунги глобал иқлим ўзгаришлари даврида аҳоли соғлиғи ҳамда экологик барқарорликка катта таҳдид солади. Биргина 2023 йилда мамлакатимизда 268,6 минг тоннадан ортиқ мазут ёқилгани натижасида атмосферага салкам 16 минг тонна ифлослантирувчи модда чиққан.

Шундан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида 2025 йил якунига қадар республиканинг барча ҳудудида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарида ёқилги сифатида мазутдан фойдаланишни тақиқлаш вазифаси белгиланган. Бунда куз-қиш мавсумида иссиқлик марказларини табиий газ билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилади.

Бу борада Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги “Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси саноат корхоналари томонидан тақдим этилаётган атроф-муҳитга таъсири баҳолаш материаллари лойиҳаларига қатъий экологик талабларни ўнатади.

Аввало, мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2026 йилдан бошлаб республиканинг барча ҳудудидаги иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши лойиҳаларига ёқилги сифатида мазутдан фойдаланишни тақиқлаш (ҳукумат билан келишилган ҳолда авариявий ёқилги сифатида фойдаланиш ҳолатлари бундан мустасно) бўйича кўрсатмалар беради. Шунингдек, атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқиндини камайтириш мақсадида атроф-муҳитга юқори даражада таъсир кўрсатувчи корхоналарга атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни тўлиқ чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш талабини белгилайди.


УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бугун мазут каби углеводород ёқилги турларидан фойдаланувчи барча объектлар давлат экологик экспертизаси объектидир. Экологик экспертиза фаолиятини ҳамда иссиқхона газлари чиқарилишини тартибга солувчи янгиланган қонунларга асосан иқтисодиёт тармоқлари учун иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартириш мақсадли кўрсаткичларига асосан экологик нормативлар ҳар бир корхонага белгиланган мақсадли кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

Шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида экологик хавфи корхоналар фаолияти бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишни тақиқлаш ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларининг экологик экспертизаси жараёнида қурувчиларга нисбатан кўп қаватли уйлар атрофида яшил ҳудудларни ва дарахларни суғориш тизимини яратиш бўйича мажбурий талабларни жорий этади. Йирик аҳоли пунктларида фаолият юритиб келаётган, энергия сигими катта ва атроф-муҳитга таъсири юқори бўлган объектларни аҳоли пунктларидан босқичма-босқич кўчириш механизмни йўлга қўяди.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқинини таҳлил қилувчи мониторинг станциялар ҳамда чанг-газ тозалаш ускуналарини импорт қилишда давлат божи миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳам бугуннинг муҳим талаби. Шунингдек, чанг-газ тозалаш ускуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш механизмларини йўлга қўйиш бўйича имтиёзли кредитлар, субсидия ва преференцияларни жорий этиш, мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلарни кўзда тутиш мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

Иқтисодиёт тармоқларида мазутдан фойдаланишни тақиқлаш фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатнинг халқро ҳужжатлар доирасидаги мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилади.



режимида автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш тизими жорий этилади. Бунда юқори хавф даражасига эга электрон ҳисобварақ-фактуралар улуши ҳисобот даврида расмийлаштирилган жами электрон ҳисобварақ-фактуралар сонининг 10 фоизидан ошмаслиги керак. Қўшилган қиймат солиғи суммаси сотувчи ёки харидор томонидан бюджетга тўлиқ тўлангандан кейин ҳисобга олинади.

Яна бир муҳим жиҳат. Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги 2026 йил 1 январдан бошлаб “Space Gov Monitoring” марказлашган ягона платформасини Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали давлат космик мониторингини доирасида қишлоқ хўжалиги ерларида ҳақиқатда экин етилган майдонлар бўйича маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиб бориш амалиётини йўлга қўяди.

Ҳудудларни барқарор ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш, уларни молиялаштириш, субсидия ҳамда имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда қишлоқ аҳолисининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир. Бу эса, ўз навбатида, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Айни мақсадда жорий йилнинг 1 декабрига қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни реализацияси учун қўшилган қиймат солиғининг “ноль” ставкаси жорий қилиниши муносабати билан қишлоқ хўжалиги соҳасига берилган субсидия ва бошқа қўллаб-қувватлаш чораларини мақбуллаштириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланди.

Умуман, бу енгиллашган соҳа вакилларининг шаффоф ишлашига туртки беради, жойларда йирик саноатлашган плантациялар ва қайта ишлаш корхоналари кўпайишга замин яратаяди. Энг муҳими, энди фермерларимиз қўлида жуда катта миқдорда айланма маблағ қолади.

Шу билан бирга, фармон соҳада рақобатбардошликни ошириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, инновацияларни кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган миллионлаб фуқаролар учун муносиб турмуш даражасини таъминлашга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳужжат фермер ва деҳқонларга фойда келтиради, қишлоқ аҳолиси даромадини оширади ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратаяди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Эхтиром

ИЛМГА БАХШИДА УМР



Бошланиши 1-бетда

— Камгарона меҳнатларим эътироф этилиб, давлатимизнинг фахрий унвони билан тақдирланганимдан жуда мамнунман, — дейди академик. — Бу янгиланин нафақат мен, балки ҳамкасбларим ҳамда шоғирдларим ҳам катта хурсандлик билан қабул қилди. Давлатимиз раҳбарининг бу эътирофини илм-фанга қаратилган эътиборининг яққол исботи деб биламан. Бизга билдирилган юксак ишонч, албатта, оқлаймиз ҳамда муносиб издошлар тайёрлаймиз. Бугунги конференцияда



айтилган тилаклар, табриклар ва эътирофлар соҳада қиладиган ишларимиз кўп эканини кўрсатди.

Тадбирда олимнинг сафдошлари, шоғирду ҳамкасблари унинг илгор инновацион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишдаги меҳнати ҳақида сўзлади.

— Устоз Тоҳир Арипов — олимлик ва чин инсонлиқнинг яққол тинсоли. Унинг фаолияти ёшлар ва издошлари учун ўзига хос намуна, — дейди Фанлар

ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ҳар бир халқнинг келажагини белгилувчи энг муҳим омил у танлаган йўлдир. Шу маънода бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган мураккаб геосиёсий манзарада, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик сари дадил ҳаракат қилаётган давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида тобора катта эътироф ва ҳурмат қозонаётгани диққатга тазовор. Кенг қамровли ислохотлар, ташқи сиёсатдаги очкилик ва мувозанат тамойиллари асосидаги фаолият мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаб, дунёга танитмоқда.

Муносабат

Президентимизнинг “Бахт — интилланики, ғалаба — қурашганики. Келажақни мардлар, тарихни голиблар яратди”, деган сўзлари бугунги тараққиёт йўлимида бoш мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ўз тараққиёт йўлини белгилла олган Ўзбекистон халқро майдонда тинчликсевар ташаббуслари, прагматик ёндашуви ва инсон қадриятига асосланган сиёсати билан алоҳида ажалиб турмоқда.

Тарихан икки буюк дарё — Амударё ва Сирдарё оралигида умргузаронлик қилган аجدдоларимиз табиат инжиқчилигига, замон синовларига қарши эғилмас ирода билан бардош бериб келган. Айнан шу ирода, айнан шу матонат туйғули Марказий Осиёнинг юраги бўлган бу замин қадимдан Буюк Ипак йўли марказига айланди, шарқу фарби, шимол билан жануби боғланган улкан савдо ва маданият қорраҳаси сифатида жаҳонга танилди.

Бугун ҳам Ўзбекистон қулай географик жойлашуви, тарихий мероси, бой маданияти ва кучли инсон ресурслари билан глобал иқтисодий ва сиёсий майдоннинг фаол иштирокчисига айланиш йўлида қатъий қадамлар ташламоқда. Бу йўлда ташқи сиёсатдаги очкилик, минтақавий ҳамкорлик, кўп томонлама манфаатли алоқалар муҳим ўрин тоқмоқда.

“Инсон қадри учун” тамойили нафақат ички сиёсатда, балки ташқи алоқаларда ҳам асосий мезон бўлаётир. Президентимизнинг халқро наشرларда эълон қилинаётган мақолалари, ислохотлар борасидаги дадил ташаббуслари, халқро ҳамжамият билан барқарор мулоқоти юртимизнинг янги сиёсий имижини шакллантирмоқда.

Озарбайжонлик шоир Акиф Бағировнинг “Шавкат Мирзиёев феномени” китоби ва “Ўзбек келаётир” қасидасида Президентимизнинг ислохотчи, халқпарвар, дадил етатчи сифатидаги образига юқори баҳо берилган. Бу эса давлатимиз раҳбарининг халқро майдондаги фаолияти ва ташаббуслари глобал миқёсда қандай эътироф этилаётганини кўрсатади.

2024 йилда Ўзбекистон томонидан 17 та халқро таширф, 140 дан ортиқ халқро тадбир, 264 та

академияси вице-президенти Шаҳло Турдиқулова. — Олим серқирра фаолият эгаси. Унинг янги дори-дармонлар тайёрлаш, табиий бирикмалар ва микроорганизмдан фойдаланиб, ўғитлар ишлаб чиқиш, томчилатиб суғориш ва бошқа кўплаб янгиллик ҳамда ихтиролари соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Академик раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи доривор ўсимликлар, жумладан, арсонқўйруқ, дўлана, мойчечак ва қоқиўт асосида юрак-қон томир тизими учун самарали доривор восита яратиш бўйича янги фитокомпозиция ишлаб чиққан. Аниқланишича, ушбу ўсимликлар экстракти юрак шикастланиши ҳамда юрак тўқимаси ҳўжайралари мембраналари бузилишининг олдини олади. Кальций каналлари фаолиятини тартибга солади, организмнинг килород танқислигига қарши курашишга ёрдам беради ҳамда ҳўжайрадаги метаболик жараёнини тиклайди.

Олимнинг амалий фаолиятидаги яна бир муҳим йўналиш сувад эрийдиган комплекс минерал ўғитлар ишлаб чиқишдир. Бу сув ресурслари танқислиги ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ экологик муаммолар ортиб бораётган шароитда, айниқса, долзарб. Фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясига қўшган ҳиссаси туғайли олим раҳбарлигида амалга оширилган илмий ишланмалар қатор янги фундаментал ва амалий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу лойиҳалар доирасида истиқболли дори-дармонлар кашф этилди ҳамда фол иккиламчи метаболитлар тўпланишини оширувчи замонавий биотехнологик ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Юксак салоҳияти эга мана шундай олимлар жамоасининг шаклланиши ҳамда улар меҳнатининг



давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиши илм-фан соҳасини ривожлантириш, долзарб муаммоларнинг самарали ечимларини ишлаб чиқиш ва мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган янги ихтироларни юзага келтиришда муҳим омил бўлади.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ҳар бир халқнинг келажагини белгилувчи энг муҳим омил у танлаган йўлдир. Шу маънода бугунги кунда шиддат билан ўзгараётган мураккаб геосиёсий манзарада, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт, тинчлик ва фаровонлик сари дадил ҳаракат қилаётган давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида тобора катта эътироф ва ҳурмат қозонаётгани диққатга тазовор. Кенг қамровли ислохотлар, ташқи сиёсатдаги очкилик ва мувозанат тамойиллари асосидаги фаолият мамлакатимизнинг халқро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаб, дунёга танитмоқда.

Ҳалқро битим ва 2000 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани бу эътирофларнинг амалий ифодасидир. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги фаол иштирок, бу ташкилот орқали илгари сурилган 105 та ташаббуснинг 80 дан ортиғи амалиётга жорий этилгани, ШҲТ давлатлари сармояси асосида ишлаётган 7,5 мингдан зиёд корхона — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал майдондаги ролинни мустаҳкамламоқда.

ШҲТ Ўзбекистонга нафақат иқтисодий, балки хавфсизлик, таълим, маданият соҳаларида ҳам кенг имкониятлар зилигини очмоқда. Жумладан, ШҲТнинг Тошкентдаги Минтақавий Акситерор маркази орқали терроризм ва экстремизмга қарши курашилмоқда. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли, “яшил” технологиялар, рақамли иқтисодиёт каби лойиҳалар миллий иқтисодиётга янги сурат бермоқда.

“ШҲТ университети”, илмий алмашинув марказлари, Конфунций институтлари фаолияти ёшлар учун кенг имкониятлар майдонидир. Ўзбекистон халқро майдонда масъулиятли ҳамкор сифатида тобора тан олинапти.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигидаги қиймати 60 миллиард доллардан ортиқ қўшма лойиҳалар, хусусан, Фарғона давлат университети ҳузурида Хитойнинг Шанси археологик институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Фарғона-Шанси археологик тадқиқотлар маркази, маданият марказлари очилиши ва археологик илмий марказлар фаолияти мамлакатимиз янги босқичга олиб чиқаяпти.

Бугун дунё Ўзбекистонини барқарорликни таъминлай оладиган, ўз сўзига эга ва масъулиятли халқро ҳамкор сифатида тан олмақда. Ўзбекистон етакчисининг ташқи сиёсати ва илгари сурётган ташаббуслари нафақат иқтисодий манфаат, балки инсон қадри, тинчлик, тараққиёт ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилишга қаратилган. Бу эса Ўзбекистон танлаган йўл тўғри, келажақ сари ишончли қадамлар билан илдамлаётган миллий тараққиёт йўли эканини яққол намоён этмоқда.

Баҳодир ШЕРМУҲАММАДОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор



Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

— Юртимизни бундан-да обод қилиш ва ривожлантириш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлиши шарт, — дейди “Нуроний” жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси Норқул Нушаров. — Бугун мамлакатимизда ривожланиш, тараққиёт шидадти йилдан йилга ошиб бораётганига гувоҳимиз. Бунинг Жиззах вилояти мисолида ҳам кўришни мумкин. Илгари вилоятимизда тўлиқ инфратузилма, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари кам эди. Янги Ўзбекистон даврига келиб, вилоят таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётди. Жиззах ривожланаётган индустриал марказга айланиб бормоқда. Иқтисодийёт, қишлоқ хўжалиги, саноат, таълим, соғлиқни сақлаш, умуман, барча соҳада юксалиши ва тараққиёт кузатишмоқда.

Жумладан, “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида хорижий ва маҳаллий инвесторлар иштирокида юзлаб янги корхона ишга туширилди. Зомин технопарки махсус саноат зонасида 1,2 миллиард долларлик 31 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада қарийб 5 триллион сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқарилиб, 70 миллион долларлик экспорт салоҳияти шакллантирилди. 5000 дан ортиқ янги иш ўрни очилиши эса янада эътиборга молик. Бундан ташқари, вилоят иқтисодиётининг айни пайтдаги асосий лойиҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Туманларда интенсив боғлар, иссиқхоналар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиляпти, сув тежовчи технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Бу эса иш ўринлари ва маҳсулот турини кўпайтирмоқда.

Оқсоқол ҳақиқатни айтди. Жиззах аграр вилоятдан ривожланаётган индустриал ҳудудга айланиб бормоқда. Муайян даврда у тараққиётдан четда қолгани, имкониятлар тўлиқ ишга солинмагани рост.

Хар қандай жойдаги ўсиш ва ўзгаришлар, аввало, аҳолининг турмуш тарзида, фаровонлигида намоён бўлади. Фаровонлик эса иқтисодийётнинг юксалиши билан боғлиқ. Утган етти йилда вилоят иқтисодиёти 4 баробар, аҳолининг ўртача даромади 3,6 баробар ошди.

— 2017 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти қиймати 10,8 триллион сўмни ташкил қилган эди. 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 43,1 триллион сўмга етди, — дейди вилоят ҳокимининг молия-иқтисодийёт ва камбағалликни қисқарттириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Зафар Азиев. — 2025 йил якунига келиб, ялпи ҳудудий маҳсулот қийматини 43,4 триллион сўмга, ўсиш суръатини 105,8 фоизга етказиш мўлжалланган. Бунда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 30,1 триллион сўмга етказилиб, ўсиш суръати 107 фоизни ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 31,2 триллион сўмга, хизмат кўрсатишини 25,6 триллион, қурилиш ишларини эса 7,2 триллион сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг асосий соҳалари юқори суръатда ривожлантирилмоқда. Жумладан, 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотдаги саноат улushi 9,1 фоизни ташкил этган бўлиб, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 17,3 фоизга етди. Саноат корхоналари сони 2,5 баробар кўпайиб, бутун 4930 тани ташкил этган. 2025 йил якунида вилоятда 30 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва ўсиш суръатини 107 фоизга етказиш белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун Мирзачўл туманида “Mirzachul agrocluster group” МЧЖ томонидан калава бун ва мато ишлаб чиқариш, матони бўяш йўналиши қиймати 10,5 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилляпти. Натижада жорий йил якунига қадар қўшимча



ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ НУРЛИ НАТИЖАЛАР ИНЪИКОСИ

200 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 2017 йилда аҳоли жон бошига 1,7 миллион сўмдан тўғри келган бўлса, жорий йил якуни билан 19 миллион сўмга етказилди.

Соҳада бир неча янги лойиҳалар амалга оширилляпти. Жумладан, Шароф Рашидов туманининг Саройлик, Эски тошкентлик, Яхтанлик ва Тараққиёт маҳаллалари Андижон вилояти Олтинкўл тажрибаси асосида мебелсозликка ихтисослаштирилмоқда. Ушбу ҳудудда мебелсозлик комплекси ташкил этилиши натижасида 300 га яқин уста тадбиркор устоз-шогирд тамойили асосида ўртача 5 нафардан шогирд олиб, 1500 кишининг бандлигини таъминлади.

Автомобилсозлик — вилоят саноатининг драйвери

Сўнгги йилларда автомобилсозлик вилоят саноатининг драйверига айланди. Ушбу йўналишда 2017 йилда 1,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2025 йил якунига кўра, автомобилсозлик соҳасида ишлаб чиқариш қийматини 14,2 триллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Ҳозир вилоятдаги “ADM Jizzakh” масъулияти чекланган жамияти томонидан 75 минг, “BYD Uzbekistan Factory” кўшма корхонасида эса 15 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қуввати яратилган.

Вилоят иқтисодиётининг яна бир муҳим тармоғи бўлган тўқимачилик саноати ҳам юқори суръатда ривожланмоқда. Ушбу тармоқда ишлаб чиқариш қиймати 2017 йилдаги 0,7 триллион сўмдан 2025 йил якунида 4,6 триллион сўмга етказилади. Бу етти йил аввалгидан 6,7 баробар кўп.

Йил якунига қадар юк машинаси ва енгил автомобиллар учун мотор мойи, электромобиль ва гибрид автомобиллар учун антифриз, ҳаво фильтри, минерал кукун, қуёш панели, стоматологик протез, аммоний-калий сульфати, термо ойна, базальт тошдан тола ва мато каби янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Олис қишлоқларда бўй кўрсатаётган саноат

Энди аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида саноат корхоналарини олис қишлоқларга ҳам жойлаштиришга эътибор қуцайган. Жумладан, яқин йилларгача бирорта саноат корхонаси бўлмаган Фориш тумани қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда етакчиға айланди.

Масалан, шундай истиқболли йўналишлардан бири — базальт толаси ва ундан турли материаллар ишлаб чиқаришга қаратилган. Ушбу туманда 300 гектардан иборат майдонда “Basalt Uzbekistan” кластери ташкил қилинди. Бу йирик мажмуа таркибидаги корхоналарда йилга 177 минг тонна базальт тошдан махсус тола, фибра, қувур, мато ва иссиқлик изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Шунингдек, Пахтакор туманидаги “World Trading Company” МЧЖда йилга 3000 тонна мотор мойи ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 120 та иш ўрни очилмоқда. Маҳсулотни Марказий Осиё давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

Вилоятда электротехника саноати ҳам ривожланиб, хусусан, электр ўтказгич, розетка, оптик алоқа кабели ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда. 2017 йилдан буён ушбу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,7 баробар кўпайди. Янги турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Муҳими, изчил ислохотлар одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, янги иш ўринлари очиш, даромадини оширишга хизмат қилмоқда.

Иншоотлар ҳашамат эмас, шинамлик ва қулайлик

Жиззах шаҳрининг ҳам, бошқа туман марказларию қишлоқларнинг ҳам қиёфаси кўркамлашиб бормоқда. Атиги етти йил муқаддам бу



ерда энг баянд бино тўққиз қаватли эди. Ҳа, илгари вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръати бошқа ҳудудларга нисбатан суст бўлиб, бу шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи кўринишида ҳам билиниб турган. Вилоят ташкил этилганидан буён 40 йилдан зиёд вақт давомида қатта ёки кўп қаватли бинолар деярли қурилмаган, туман марказлари инфра-тузилмаси янгиланмагани бу ҳолатнинг асосий сабаби эди.

2017 йилдан бошлаб янги, замонавий уй-жойлар ва ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этила бошлади. Бу эса ҳудуднинг кўри-нишини сезиларли даражада ўзгарттиди. Энди вилоят маркази фақат энгиза эмас, бўйига ҳам кенгаймоқда. Бугун 12-16 қаватли бинолардан иборат “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилмоқда. Тадбиркорлар томонидан ва Реновация дастури асосида 5700 оилага мўлжалланган



134 та кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган эди. Ҳозиргача буларнинг аксариёти фойдаланишга топширилди.

— Қурилишда жадаллик ортиши мамлакатда иқтисодий фаолият кенгайиши ва аҳоли даромади ўсишидан далолат беради, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг қурилиш, тўқимачилик саноати ва коммунал хўжалик, экология ва кўламазорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Шўҳрат Жўраев. — Шунингдек, янги турар жойлар, ижтимоий объектлар ва саноат иншоотлари барпо этилиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сўнгги етти йилда 20 баробар ортиган.

2025 йилда ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшилашга 406,8 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Бу маблағ ҳисобидан 185,7 километр ичимлик ва 199,7 километр оқова сув тармоқлари ҳамда 18 та ичимлик ва 4 та оқова сув иншоотини қуриш режалаштирилган.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобига 28 та иншоот учун 455 миллиард 900 миллион сўм ажратилган. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят кенгаши қарорлари асосида 26 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилмоқда, қўшимча молиялаштириш ҳисобига 14 та янги объект қуриляпти. Бу иншоотларнинг барчаси вилоят қиёфасига янада кўркам, замонавий тус бериш билан бирга, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга қулайлик яратишга хизмат қилади.

Дехқоннинг даромадиға барака кирмоқда

Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, айниқса,

экспорт ва қайта ишлашни кенгайтиришга қатта эътибор қаратиляпти.

Жиззахлик дехқонлар ғалла, пахта, пилла, мева-сабзавот ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича олдиларига қўйган вазифани муваффақиятли урдалаб келмоқда. Айни кунларда далаларда етиштирилган ҳосил аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда. Ундан ортигани хорижга экспорт қилинмоқда.

Жорий йилда 67,6 минг гектарда 290,7 минг тонна пахта етиштириб, ўртача ҳосилдорлигини 43 центнерга етказиш мўлжалланган. Бунинг учун вилоятда илгор технологиялардан кенг фойдаланиляпти. Жумладан, ғўза қатор оралини 90 сантиметрдан 76 сантиметрга ўтказилиши натижасида бир гектардаги қўчатлар сони 19,5 фоиз кўпайди. Бундан ташқари, 24 минг гектар майдонга гени ўзгарттирилган, касаллик ва зараркундалар ҳамда гербицидга чидамли ғўза навлари етилди. Айни пайтда қийос очилиган пахта далалари мўлжалдаги ҳосил тўпланганини кўрсатиб турибди.

Илгор технологияларни қўллаш амалиёти келгусида ҳам давом эттирилади. Хусусан, 2026 йилда 67 минг 600 гектар майдонда ўртача ҳосилдорлигини 50 центнерга, ялпи ҳосилни 340 минг тоннага етказиш режалаштирилди. Жумладан, Янгиобод туманида хитойлик инвесторлар томонидан лалми ерларни ўзлаштириш ҳисобига 2026 йилдан бошлаб синов тариқасида 15 минг гектарга пахта экилиши режалаштирилган. Инвесторларнинг 50 миллион доллар маблағи йўналтирилди. Иккиламчи ижараға олиш ҳисобига фермер хўжаликлари еридан фойдаланилади. Ушбу майдонларга тўлиқ томчилятиб сугориш технологияси жорий қилиниши ҳисобига келгуси йилда гектаридан 30 центнер, кейинги йиллардан бошлаб 40-45 центнер ҳосил олишга эришилади.

Вилоятда паст рентабелли, иқтисодий самара бермайдиган пахта ва ғалла майдони қисқартрилиб, экспортбоп экин турларини жойлаштириш ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда. 2026 йилда 7114 гектар ерни ўзлаштириш ҳисобига сабзавот ва полиз экинлари майдони кенгайтирилади. Жумладан, қунгабоқар, махсар, зиғир каби мойли экинлар ҳам экилади.

Ўсимлик мойига талабни тўлақонли қоплаш мақсадида 30 минг гектар асосий ва 30 минг гектар тақорий экин майдонига қунгабоқар экилади. Бу орқали 56 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади. Вилоят аҳолисининг ўсимлик ёғига эҳтиёжини тўлиқ қоплаб, бошқа вилоятларга ҳам етказиб бериш имконияти яратилади. Қунгабоқардан олинладиган қунжақа чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришда озуқа сифатида кенг қўлланади.

2025 йил якунига қадар лойиҳа қиймати 27 миллион долларлик замонавий канал қуриш ҳисобига Зомин туманининг Аччи, Ширин, Зомин ва Лайлак уя сув истеъмолчилари ҳудудида 14 минг гектар ер ўзлаштирилади.

Жорий йилда вилоятда жами 250 минг тонна тарвуз ва 263 минг тонна қовун олиш мўлжалланган. Уларнинг 25 фоизи ҳудуд аҳолиси истеъмолиға, қолган қисми экспорт ва қайта ишлаш учун етказиб берилади. Айни кунларда миришкорлар ҳосил йиғим-теримига киришган.

2018 йилда вилоятда 7100 гектар бог, 3400 гектар узумзор бўлган. Ўтган даврда бог ва узумзорлар бир неча баробар кенгайди ва шунга яраша мўл ҳосил олинаётди. Етиштириладиган меванинг 17,1 минг тоннаси ички истеъмолга, 20,6 минг тоннаси экспортга, 48 минг тоннаси бошқа вилоятларга, 21,7 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига йўналтирилади. Худди шундай узум ҳосилининг 11,8 минг тоннаси ички истеъмолга, 12,2 минг тоннаси экспортга, 7900 тоннаси бошқа вилоятларга ва 4000 тоннаси қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилиши мўлжалланмоқда.

Банкарл ҳомийлигида бог барпо этиш лойиҳаси самара бермоқда. Мисол учун, Зомин туманидаги “Агробанк” АТБ филиали ҳомийлигида “Агрофинанс лизинг” МЧЖ томонидан 1028 гектар майдонда тайёр ҳолда топшириш механизми асосида нок, олма, шафтоли, гилос, ўрик, узум боғи ташкил этилиб, иш билан банд бўлмаган оилаларга лизинг асосида 7 йилга тўлаш шарти билан ажратиб берилган. 2024 йилда ноқзордан гектарига 40 тонна ҳосил олишга эришилди. Унинг бир килограмми ўртача 20 минг сўмдан сотилиб, гектаридан 800 миллион сўм даромад олишга эришилди.

Шу усулда Зарбдор, Бахмал, Фориш, Зомин, Ғаллаорол туманларида юзлаб гектарли узумзор ва мевазорлар барпо этилиб, аҳолиға лизинг асосида бўлиб берилмоқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳаси вилоятимиз тараққиётининг ҳаракатлантирувчи қучиға айланоқда, — дейди вилоят фермерлари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов. — Вилоятимизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қатта ўзгаришлар нафақат етиштириладиган маҳсулот ҳажмида, балки уни қайта ишлаш, экспорт қилиш ва фермерлар даромадини кўпайтиришда ҳам яққол намоён бўляпти. Жумладан, пахтачиликда фойдаланишдан чиққан ердан ҳам 50 центнергача



ҳосил олиш мумкинлигини амалда кўрпмиз. Ёки қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшимча қиймат зanjирини ташкил этувчиларга солиқ имтиёзлари берилиши соҳа ривожланишиға қатта туртки бўлди. Натижада вилоятимизда шундай корхоналар кўпаймоқда. Бу вилоят экспорт ҳажмининг ошиши, валюта тушуми кўпайиши, иқтисодий ўсишға ижобий таъсир қилиши баробарида, минглаб одамнинг бандлигини таъминлаб, хонадонлар фаровонлигиға хизмат қилияпти.

Туризм хизмати қай даражада?

Жиззахнинг ўзига хос табиати, тарихий, маданий ёдгорликлари сайёҳларға намойиш этиш ҳисобига иқтисодиётни ривожлантириш имконияти бор. Хусусан, ҳудудда тоғ ва экстремал туризм турлари, жумладан, алпинизм, снорбординг, аэронавтика, велоспорт, мотоспорт, шунингдек, экологик ва агротуризмни ривожлантириш учун имкониятлардан самарали фойдаланиш устида изчил ишланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятта 200 мингдан зиёд чет эллик, 1 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳ келган. Уларға қарийб 40 миллион долларлик туризм хизмати кўрсатилган.

Йил якуниға қадар сайёҳлар сонини 2 миллионға етказиш мақсадида маҳаллий ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда вилоятнинг

сайёҳлик имконияти кенг тарғиб қилинапти. Осиё ва Европа давлатларида ўтказиладиган тадбир ва ярмаркаларда туризм соҳаси вакиллари иштирок этиб, хорижий компаниялар билан шартномалар имзоламоқда. 2025 йилнинг ўтган даврида 4 та меҳмонхона, 2 та дам олиш маскани, 3 та хостел, 15 та оилавий меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилди. Натижада умумий жойлаштириш воситалари сони 293 таға етказилди.

Бундан бир йил аввал Зомин туманидаги Дуоба маҳалласига, шу йил апрелида Ғаллаорол тумани Ўзунбулоқ маҳалласига “Туризм маҳалласи” макоми берилган. Йил якунигача Бахмал туманининг Новқа ва Фориш туманининг Ухум маҳаллаларига ҳам шундай ном берилиши учун зарур чора-тадбирлар қўриляпти.

Айдар-Арсасой кўллар тизими қирғоғида дам олиш ва туризм комплексларини барпо этиш мақсадида Фориш туманидаги кўл бўйидан 207,1 гектар ер таналяб олинди, 80 гектарининг мастер режаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳа доирасида “Айдаркўл” туристик маркази, сайёҳлик комплекси, аэропорт, йўл, санаторий ишға туширилади. Шунингдек, Айдар-Арсасой кўллар тизими қирғоғида 6 та меҳмонхона, 10 километр узунликдаги саломатлик йўли, йиллиға минг сайёҳға хизмат кўрсатишға мўлжалланган спорт зали, стол теннис спорт майдончалари, теннис кортлари, мини футбол майдончалари қурилиш режалаштирилган.

— Президентимизнинг яқинда вилоятимизға ташириди давомида берган топшириқлари асосида ҳудудда туризмни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиб, амалға оширишға киришганмиз, — дейди Жиззах вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси бўлим бошлиғи Дилором Холмирзаева. — 2025 йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 48 миллиард 495 миллион сўмлик 13 та лойиҳа ишға туширилиши ҳисобига сайёҳлик ва қатор ёндош соҳаларда қўшимча 110 та янги иш ўрни очилди. Йил якуниға қадар умумий қиймати 307 миллиард 50 миллион сўмлик 17 та инвестиция лойиҳасини амалға ошириш натижасида туризм ва унга ёндош соҳаларда 510 та янги иш ўрни очилиши белгиланган.

Бундан ташқари, ҳудудда иккинчи босқичда ишға тушириладиган драйвер лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, унга асосан вилоят учун 30,7 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган. Шу маблағнинг тегишли қисми сайёҳлик лойиҳалари ҳудудидаги йўл, электр ва бошқа коммуникация тармоқларини яхшилаш учун ишлатилади.

Барчаси одамларни рози қилиш учун

Мамлакатимиздаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш, бугунги ҳаётдан рози қилиш. Иқтисодиёт юксалаётгани сари одамларнинг даромади ҳам ошмоқда, турмуш шaroити яхшиланмоқда. Энди таълим, соғлиқни сақлаш,

Жиззах вилоятда 2025 йил бошида болаларнинг мактабгача таълимға қамрови 78,1 фоизни ташкил этди. Йил якуниға қадар бу кўрсаткичи 81 фоизға етказиш режалаштирилган. Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашға ҳам қатта эътибор қаратиляпти. Жорий йилда 67 та мактаб компьютер билан таъминланади. Касб-ҳунар таълими, олий таълим ҳам ривожланмоқда. 2017 йилгача вилоятда иккита олий таълим муассасаси бўлган бўлса, ҳозир улар сони бештаға етди.

Жорий йил 1 июлидан бошлаб Туркия тажрибаси асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишининг янги модели жорий этилди. Унинг дастлабки амалиёти Ғаллаоролда бошланди.

— Тиббиётдаги ҳар қандай янгилик вазиятни яхшилаш мақсадида амалға оширилади, — дейди туман марказий шифохонаси шифокори Эсон Норматов. — Айни пайт синовдан ўтказиладиган модель Туркияда қўллаб келинаётгани эътиборға молик. Бу усулни жорий этиш учун барча техник-ташкилий ишлар режаси пухта ишлаб чиқилган.

Ўзгаришлар кўлами кенг. Энг муҳими, бу янгиланишлар одамларнинг қарашлари, орузумидлари ва ҳаракатларини ўзгарттирмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг ёрқин келажағига ишонччи янада қучайтирмоқда.



Спортимиз фидойилари



“Биз ҳам қодирмиз”

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА НОМИДАГИ ГИМНАСТИКАГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СПОРТ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Бошланиши 1-бетда

Бугун номи Гиннесснинг рекордлар китобидан ўрин олган, саккиз карра Олимпия ўйинлари иштирокчиси, афсонавий спортчи Оксана Чусовитина номида ташкил этилган спорт мактабида тахсил олаётган миллатимиз фарзандлари учун бу шунчаки хомхаёл эмас, аллақачон кундалик турмуш тарзига айланиб улгурган. Президентимизнинг “Оксана Чусовитина номидаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактабини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида очилиб, замонавий комплексда ўтган йилдан эътиборан фаолият юритаётган муассаса янги ўқув йили учун ҳам ўқувчилар қабул қилиб, дарс ва машгулотларни фаол тарзда бошлаб юборган.

Оксана Чусовитина номи ўзбек спорт тарихида алоҳида саҳифа. У ўз фаолияти мисолида инсон иродасининг қандай енгилмас кучга эгалигини бутун дунёга кўрсатди. Шу орқали исми рекордлару ақл бовар қилмас натижалар билан бирга тилга олинган бўлди, ammo бундан-да муҳимроқ нарсас: у ёшлар учун ҳаётини дарсга, меҳнат ва сабр тимсолига айланди. Энди эса унинг номи билан аталган мактабда юзлаб болалар Чусовитинанинг изидан боришга чоғланган. Гимнастика бу ерда жисмоний машқлардан кўра кўпроқ маъно касб этади, у бутун жамият учун соғломлик, интизон ва куч рамзи, миллат руҳини мустаҳкамлаш йўли сифатида қаралмоқда.

Бевосита давлатимиз раҳбарининг таширфи, яратилган шароитлар, юқори малакали мураббийлар — буларнинг барчаси оддий спорт инфратузилмаси қурилишига эмас, юрт эртаси учун қилинган катта сармоя ҳамдир.



Шу сабаб муҳокамаларда болалар богчасидан бошлаб гимнастикани жорий этиш, ҳар бир ҳудудда мактаблар очиш масаласи кўтарилган эди. Бунинг замирида теранроқ мақсад-муддо мавжуд: соғлом бола — соғлом жамият, соғлом жамият эса тараққиёт қафолати демекдир. Айни мақсадда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган интернатлар, олий спорт маҳорати мактаблари билан ҳамкорлик — узлуксиз тизим яратилган. Жумладан, мактабга таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ўрта-сида “Гимнастикага илк қадам” мусобақалари ўтказилиб, голибликни қўлга киритган қатнашчилар Оксана Чусовитина номидаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактабига имтихонсиз, имтиёз асосида қабул қилинди. Умуман, жорий йил 218 талабгор орасидан саралаб олинган 24 бола 1-синфда ўқийшни мазкур даргоҳда бошлайдиган бўлди.

Муассаса миллий терма жамоалар учун халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш, юқори малакали мураббий ва мутахассисларни жалб этиб, ўқув-машгулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил қилиш, мураббийлар ва гимнастикачилар маҳоратини мунтазам ошириб боришга йўналтирилган. Бунинг учун уч қаватли замонавий бинода барча шароитлар яратилган. Биринчи қаватда асосий зал ва машгулотлар зали, тренажёр майдончаси, тиббиёт хонаси ва ошхона жойлашган. Тепа қаватлардан 70 ўринли ётоқхона, мехмонхона, информатика ва маънавий хоналари ўрин олган. Мактаб Германиядан келтирилган спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланган. Муҳими шундаки, гимнастикачи ёшлар бир жойинг ўзида яшаб, таълим олиб, машгулотлар ўтказиши мумкин. Умуман олганда, бу спорт мактаби

гимнастикачилар учун республикада ягона ўқув-машгулот базасига айланди.

Мактаб 1-11-синфлардаги 168 нафар ўқувчиға мўлжалланган. Бугунги кунда 154 ўғил-қиз маҳоратини оширмоқда. Уларга иккита хорижий тил ҳам ўргатилади. Чусовитина издошлари шу йилнинг ўзиде спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика бўйича халқаро мусобақаларда 25 та олтин, 33 та кумуш ва 24 та бронза медални қўлга киритди. Республика миқёсидаги беллашувларда ҳам етакчилар сафида. Дарвоқе, муассаса турли даражадаги мусобақаларни ўзида қабул қилиши кўзда тутилган. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, яқин кунлар ичида бу ерда Тошкент шаҳри биринчилиги ўтказилади.

— Яқинлашиб келаётган мусобақаларга қизгин ҳозирлик кўряпмиз. Бадий гимнастиканинг яққалон ва гуруҳ баҳсларидаги чиқишлар устида устозларимиз билан ишлаячиз, — дейди шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси, Ўзбекистон чемпиони, спорт усталигига номзод Лола Тоҳирова. — Устозимиз Оксана Чусовитинанинг шахсан ўзи жараёنларини назорат қилиб боради. Унинг биз билан ёнма-ён машқ қилиши ўзига хос юқори кайфият ва ишонч бағишлайди. Биз, ўқувчилар ҳаммамиз бир кун келиб, мураббийимиз каби жаҳон даражасидаги атлет бўлишни мақсад қилганмиз.

Бу йўлда замонавий услуб ва методлар ҳам жорий этилаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, Спорт вазирлиги ҳамкорлигида Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти ҳодимлари томонидан Оксана Чусовитина номидаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт

мактабида илмий тадқиқот ишлари ўтказилди. Компьютерлаштирилган дастур ёрдамида ўқувчи спортчиларнинг психологик тайёргарлик ҳолатини аниқлаш ва спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиш имкониятини илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадида ҳажжон даражаси ҳамда реакция тезлигини аниқлашга оид методикалар асосида тадқиқот олиб борилди.

Дарс ва машгулотлар икки сменада ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар аниқ кун тартиби асосида ҳаракатланади. Яъни бошлангич синфлар учун машгулотлар ўтказилаётганда юқори синфлар ўқув хоналарида бўлади ёки аксинча. Шунингдек, ҳар кун беш маҳал бепул овқат билан таъминланиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри таомланиши тарбиячилар томонидан назорат қилинади.

— Бизда спорт фаолияти билан бирга таълим-тарбия жараёни ҳам олиб борилади. Бу бўйича ўқув режа асосида ўқувчи спортчиларнинг кун тартиби тузилган ва унга қатъий амал қилинади, — дейди мактаб директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Шерзод Тоқиев. — Шунингдек, спорт мактабида 9 ўқитувчи ходим фаолият юритиб келмоқда,



улардан 1 нафари олий тоифали, 2 нафари биринчи тоифали, 1 нафари эса иккинчи тоифалидир. Бундан ташқари, ўқув йили давомида спорт мактаби ўқувчилари турли мусобақалар ва ўқув-машгулот йиғинларида иштирок этиши натижасида қўйрилган дарсларни қайта ўзлаштириш соатлари орқали уларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамлаб борилмоқда.

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш лозим. Бу каби ихтисослаштирилган спорт мактабларини ташкил этишдан мудоао янги чемпионларни етиштириб беришигина эмас. Унинг жамият ижтимоий, маданий ҳаётдаги бир қарашда кўзга ташланмайдиган, ammo муҳим ўрни хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ўзбекистонда гимнастика мактабининг ташкил этилиши кенг маънодаги ижтимоий ҳодиса сифатида қаралмоқда. Чунки бугун бу маскан зиммасига юклатилган вазифалар бир қарашда спорт соҳаси доирасида бўлиб кўринса-да, аслида, улар жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий келажагини белгилаб берувчи тамойилларга айланмоқда. Бу мактаб кучли авлод, эгу орзу-интилошлар ва мустақил фикрлаш маскани сифатида ўз ҳаётини миссиясини адо этади. Чунки унда тарбияланган ҳар бир ёш спортчи эртага нафақат жаҳон ареналарида, балки ҳаётнинг энг мураккаб майдонларида ҳам галаба қозонишга қодир авлод бўлиб етишди.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тахлил ва таққос

Таълим ва тарбия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, яхши таълим ва тарбия кўрган авлод келажагимиз қафолатидир. Асосийси, юртимизда бугун қўрилаётган аниқ чора ва ташаббуслар эртанги кунимизга пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бу ҳақда кеча Президентимиз бошчилигида мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йўналишида ҳам алоҳида қайд этилиб, истиқболда қилиниши лозим бўлган кўплаб юмушлар белгиланган бўлди.

Юртимизда олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг аҳамияти ва зарурлигини тасдиқловчи бир неча далиллар бор. Уларнинг биринчиси мамлакатимизда бозор ислохотларининг янги паллага кўтарилиши олий таълим тизимини жиддий қайта қуришни тақозо этаётгани бўлса, иккинчиси Сўнгги саккиз йилда олий таълимнинг тузилмаси, иш услуби ўзгариб, талаб ортишида намоён бўлди.

Ҳозир нафақат янги билимларни амалиётда қўллаш оладиган, балки муайян соҳадаги инновацион имкониятлар қўланини тушунадиган мутахассисларга талаб юқори. Зеро, улар иқтисодий ва ишлаб чиқариш масалаларини малакали ҳал этиш билан бирга, юқори таҳлилий маҳорат талаб қиладиган тўғри қарорлар қабул қила олиши ҳам зарур.

Учинчи омил — Ўзбекистоннинг замонавий саноат дунёсига қўшилиши меҳнат бозорининг тез ўзгаришчан эҳтиёжларига мослаша олган олий таълим тизимини яратиш зарурлигида намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларини ривожлантириш ва рақобатни кучайтиришни

РАҚОБАТ ВА ИМКОНИЯТ БУ ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ



Азизжон АБДУЗИМОВ, “Profi University” университетининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, доцент

талаб этади. ОТМларнинг сифатли таълим хизматлари кўрсатишига хизмат қилади. Бугун республикаимизда олий таълим тизимни қамровини кенгайтириш ҳамда муқобил таълим-тарбия инфратузилмасини шакллантиришда хусусий таълим муассасаларининг роли ва ўрни ортиб бормоқда. Сўнгги беш йил давомида тизимни ислох қилишнинг ҳуқуқий-меърий асослари яратилди ва яратилмоқда. “Таълим тўғрисида”-ги қонун, Президентимизнинг 2024 йил 22 ноябрдаги “Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориде соҳада рақобат муҳитини янада ривожлантириш парадигмасини аниқ кўриш мумкин.

Мазкур ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида миллий таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, таълим сифатини яхшилаш, бунга тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф этишни мақсад қилган.

Албатта, дастлабки даврда хусусий университетлар давлат университетига кириш учун танловдан ўта олмаган абитуриентлар

учун муқобил вариант вазифасини бажарган эди. Лекин олий таълим соҳасидаги сўнгги беш йилдаги тараққиёт тенденцияларини таҳлил қиладиган бўлсак, хусусий олий таълим муассасаларининг қатор афзал жиҳатлари йилдан йилга ёрқин намоён бўлиб бормоқда.

Хусусий университетлар, аввало, хорижга ўқишга кетиш оқимини камайтирди. Иккинчидан, таълим бозорида соғлом рақобат муҳитини юзага келтирди. Албатта, хусусий олий таълим муассасаси ўз обрўси ва имижини оширишдан манфаатдор. Улар учун битирувчиларнинг жамиятда ва меҳнат бозориде ўз ўрнини топиши бош кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун хусусий олий таълим муассасалари ўқув жараёнига юқори малакали ўқитувчиларни жалб қилишга алоҳида устуворлик берилади.

Айни пайтда хусусий университетда ўқиш жиддий афзалликларга эгалиги билан ажралаб турибди. Аввало, хусусий университетлар зомин талабаларга мослашувчан, жамият эҳтиёжларига кўпроқ эътибор беради, меҳнат бозорининг ўзгаришчан талабларига тезроқ жавоб қайтарган ва инновацион қарорлар қабул қилади. Бошқача айтганда, таълимни гиперконсерватив қиладиган қатъийликка эга эмас.

Албатта, абитуриентлар учун ўқиш нархи ҳам муҳим роль ўйнайди. Дастлаб жамоатчилик орасида хусусий олий таълим муассасаларида шартнома пули миқдори бандлиги ҳақида гапирилар эди. Лекин ҳозир шартнома нархи бандлиги эмас, балки шартнома тўлови ва ўқитиш сифати нисбати таққослаб борилмоқда.

Қонуний жиҳатдан нодавлат ва давлат университетлари деярли бир хил мақомга эга. Чунки улар тенг шартлар асосида лицензия ва аккредитация олади. Лекин хусусий олий таълим муассасалари давлат университетларидан фарқи ўлароқ ўқитиш усулларини танлашда кўпроқ эркинликка эга. Улар ҳаракатчан ва соҳадаги ўзгаришларга тезда мослаша олади ҳамда ўз амалиётларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этади.

Тадқиқотлар жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув даврида хусусий олий таълим

муассасалари хизматларига талаб динамик равишда ошганини кўрсатмоқда. Шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида одатда таклиф қилинадиган шахсийлаштирилган ўқув муҳитининг афзалликлари тобора ортиб бормоқда. Ушбу тенденция хусусий таълим умумий тизимнинг тобора ажралмас қисмига айланиб бораётган янги Ўзбекистон таълим муҳитининг ўзгаришини кўрсатади.

Хусусий олий таълим муассасалари фаолияти тараққиётининг юқорида келтирилган тенденцияларининг амалдаги ҳолатини Тошкент шаҳрида жойлашган “Profi University” мисолида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Мазкур олий таълим муассасаси низомида “Profi University”нинг асосий мақсади таълим орқали ҳар томонлама танқидий фикрлайдиган, ўз билими ва салоҳияти билан ўзининг ва атрофдагиларининг ҳаётини яхшилаш оладиган кадрларни тайёрлашдир деб аниқ белгилаб қўйилган. Ҳар қандай олий таълим муассасасининг жозибадорлиги унинг илмий салоҳияти билан белгиланади, албатта. “Profi University”нинг илмий салоҳият даражаси жуда юқори, ҳозир 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 1 нафари академик, 5 нафари фан доктори (DSc), 29 нафар фан номзоди (PhD) ҳамда 1 нафари хорижий



профессор-ўқитувчи. 2024/2025 ўқув йилида кундузги, кечки (сменали), сиртки (маҳсу сиртки) таълим шаклларида бакалаврият босқичида 13 та йўналишда 6444 талаба тахсил олади. Улардан 882 нафари кундузги таълим, 103 нафари кечки таълим ва 5459 нафари сиртки таълимда ўқида.

Университетда ўқув ва илмий фаолиятни ташкил этиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, психология, педагогика йўналишлари бўйича илмий мактаб яратган олий малакали мутахассислар жалб қилинган. 30 дан зиёд профессор-ўқитувчи мустақил изланувчи сифатида докторлик диссертациясини тайёрламоқда. Аxbорот-кутубхона марказининг умумий адабиётлар фонди 34 мингдан



зиёд нусхани ташкил этади. Марказда, жумладан, 2284 нусха ўқув қўлланмалари, 5318 нусха дарсликлар, 1072 нусха илмий, минглаб бадий, маънавий-маърифий ва хорижий адабиётлар бор.

Университетда халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш устувор стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланган. Жумладан, Global College Malta (Малта Республикаси) билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Global College Malta халқаро аккредитацияга эга бўлиб, замонавий бизнес, менежмент ва маркетинг соҳаларида сифатли таълим берувчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Бу ҳамкорлик “Profi University” илмий-педагогик жамоаси ва талабаларга хорижий илгор тажрибаларни ўзлаштириш ва тажриба алмашиш имконини беради. Шунингдек, Сербия пойтахти Белградда жойлашган Йирк хусусий университет — Singidunum University билан ҳам икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган мазкур алоқа сунъий интеллект, АТ ва муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги хусусий олий таълим муассасалари мураккаб педагогик вазифани ҳал қилишда индивидуал шахсга йўналтирилган таълим муҳитини шакллантиришга қўмаклашмоқда. Шу боис, юртимиздаги хусусий олий таълим муассасалари миллий таълим тизимида ўзига хос тажриба марказлари вазифасини бажаряпти. Улар энг долзарб ва инновацион педагогик техника ҳамда технологияларни жорий этиш учун синон майдончаси ҳамдир. Ушбу динамика янада мослашувчан ўқув муҳитини яратишга имкон беради. Бу эса янада яхлит ва индивидуал таълим тажрибаси учун зарур шарт-шароитларни яратяди.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланаётган Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ислохотлар асрларга арзигулик мазмун ва самара касб этмоқда. Таълимнинг ишлаб чиқариш қорхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, олий таълим муассасаларида фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришни назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш ва олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозориде ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантиришга хизмат қилади.



Қадрият

Жорий йил 2-8 сентябрь кунлари мамлакатимиз бўйлаб анъанавий “Музейлар ҳафталиги” акцияси бўлиб ўтди. Етти кун давомида барча давлат музейларига ташриф буюрувчилар учун бепул кириш имконияти тақдим этилди. Ушбу ташаббус мамлакатимиз маданий меросини ҳар бир фуқаро ва меҳмонга таништириш, шунингдек, ёшларда тарих, миллий ўзлик ва маданий анъаналарга ҳурмат туйғусини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятли саналади.



МУЗЕЙЛАР ҲАФТАЛИГИ

ЁХУД МОДДИЙ САҚЛАНМАЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАФАККУРИДАГИ АҲАМИЯТИ ҚАНЧАЛИК ЮҚОРИ?

Шу ўринда бир савол туғилади: бундай ташаббусларнинг замирида қандай мақсад мужассам? Ҳаракатларнинг мазмуни маданий меросга эътибор билан таснифланиш, унда агар маданий мероснинг ўзи йўқ бўлса, қандай ҳодиса юз беради? Ниманидир қадрига етиш учун, аввало, унинг моҳиятини англаш зарур-ку, тўғрими?

Келинг, энди тасаввур қиламиз: бир миллат ўз маданий меросини йўқотса, унинг энг катта фожиаси ўзligидан айрилиши бўлади. Миллат тарихий хотирасиз қолади, маъна қашшоқликка эъ туттади, ички бирдамлик сусаяди ва келажак авлодлар ўзини аслан қайси қадриятларга тегишли эканини эслолмайди. Илдизи нобуд бўлган дарахт шамол қайси тарафга эсса, ўша томонга эгилиб кетгани каби маданий мероссиз миллат ҳам бошқа маданиятлар таъсирида қолади. Маданий мероссиз миллатнинг йўналишсиз қоллиши тарихда бир неча марта кузатилган, чунки мерос йўқотилган жойда миллатнинг маънавий суяги синади.

Масалан, қадимги Шумер цивилизациясини инсониятга ёзув, архитектура, ирригация ва давлатчилик ҳақида илк тушунчаларни берган бўлса-да, уларнинг тили, урф-одатлари қумга тушган сувдек йўқликка сингиб кетди, ҳалқ сифатида ўзи ҳам йўқолди. Америка қитъасидаги майя, ацтек ва инк цивилизацияларининг қисмати ҳам шундай кечди. Испан конкистадорлари уларнинг кўп асрлик маданий бойликларини, бекис ёбодхоналарини йўқ қилди. Натигада бу улкан халқлар маданий қудрати-дан ажралиб, фақат тарих саҳифаларида қолди. Совет даврида эса қўллаб халқлар “бир тил, бир маданият” сиёсати таъсирида ўз қадриятларидан узилди. Сибирдаги юзлаб маҳаллий халқлар тилларини унутди, анъаналари бутунлай сўнди.

Ер юзюда 6 мингдан ортиқ тил бор бўлса, мавжуд тилларнинг ярмида 10 мингдан кам, чорактасида эса мингта ҳам етмайдиган одамлар гуруҳи гаплашади. Австралия аборигенлари ва Америка хиндларли тилларининг кўпиди сўзловчилар нисбатан анча кам. Амазон ҳавзасиданги ҳар бир тилда ўртача 150 киши сўзлашади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, мана шу 6 мингдан ортиқ тилнинг камида ярми йўқолиш арафасида. Демак, бу тил эгаларининг

маданий мероси ҳам хавфда. Чукоткадаги маҳаллий элатлар, Африкадаги кўп қавмлар ўз тиллари ва анъаналарини асраб қолмаса, яқин асрларда улар ҳақида фақат китобларда ўқиш мумкин бўлади.

Шу сабабдан маданий меросни авайлаш эртанги кунни асрамоқ демак. Маданий мерос ўтмиш билан бутунни, бутун билан келажакни боғлайди. Соддароқ тушунтирай: агар ёзма манбаулар, меъморий ёдгорликлар, санъат асарлари ва турли номоддий маънавий меросларимиз бизга қадар етиб келмаганида эди, биз нафақат аждодларимизнинг қанчалик ақли, буюк ва тараққийпарвар бўлганини тўлиқ англай олмас эдик, балки ўзимиз-да ҳозиргидек тараққий топмасдик.

Абу Райҳон Берунийни олайлик. Унинг қомусий билимга эга аллома бўлганини айнан китоблари орқали билимиз. Шунингдек, Ибн Синонинг тиб илмидаги буюк кашфиётлари, Махмуд Кошгарийнинг тилшуносликдаги илмий мероси, Амир Темур давлатидаги сиёсий ва ҳарбий ислохотлар ҳақида ҳам айнан маданий мерос — ёзма асарлар, тарихий ёдгорликлар ва қўлёзмалар орқали хабар топиамиз. Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Бухородаги Миноран Калон, Хиванинг Ичанқалъаси ёки Термиздаги буддавийлик дари ёдгорликлари — буларнинг ҳар бири бизга муайян даврнинг ҳаёти, эътиқоди ва маданий даражасидан хабар берувчи тирик ҳужжатлардир. Шу маънода, маданий мерос тарихни фақат рост гапиришга мажбурловчи ягона гувоҳ. У ким эканлигимиз, қайси йўлдан келаётганимиз ва қандай қийматларга таянётганимизни кўрсатади.

Музейлар эса маданий меросни сақлашда жуда муҳим, лекин уларни ягона ёки қолган ҳамма нарсанинг ўрнини босади деб айтиш ҳам тўғри бўлмайди. Музейларнинг ўзга муассасалардан ажралиб турадиган асосий жиҳатлари бор: улар моддий объектиларни мустаҳкам ва назоратдаги муҳитда сақлай олади, намлик, ҳашарот, нуруланиш ва зарарланишдан ҳимоялайди. Қадимги қўлёзмалар ранглари



тикланишини таъминлайди, металл ёки тош экспонатлар коррозиясининг олдини олади. Ҳўш, музей фақат шунинг учун муҳимми? Давлатимиз томонидан моддий қўллаб-қувватловнинг ёлғиз сабаби шуми? Йўқ, албатта. Биринчидан, музейлар тадқиқот маркази вази-фасини ўтайди — улар провенансини ўрганади, яъни А предмет қаердан келганини аниқлай-ди, тарихий контекстини тиклайди, янги илмий маълумотлар яратади ва шу орқали умумий тарихий тасаввурни тўлдирди. Иккинчидан, музейлар мактаб ва университет дарсларини бойитади, экскурсиялар, илмий семинарларга асос бўлади, бу омил ёш авлоднинг тарихий ва маънавий онгини шакллантиришда ҳал қилу-чи роль ўйнайди. Ҳар қандай сарфнинг ўзини оқлаши билан боғлиқ саволга келсак: сарфларнинг иқти-содий, ижтимоий ва маданий фойдаси кўп

туризми муайян фаслга боғлиқ. Музей эса йил давомида сайёҳ қабул қилади. Бу шаҳар иқти-содиёти учун ҳам, маҳаллий аҳоли иш ўринла-ри учун ҳам барқарорлик яратди. Шунингдек, музейлар халқаро алоқаларни ўрнатиш учун ажойиб восита, бир давлатнинг ўзига хос “юм-шоқ кучи”. Кўргазмаларни айирбошлаш, ил-мий ҳамкорлик ва маданий дипломатия орқ-али мамлакат обрўси ошади. Айтиш керакки, музейларга киритилган сарф — узок мудатли инвестиция: у дарҳол иқтисодий фойда кўрсат-маслиги мумкин, лекин вақти келиб, маданий туристик бренд ва билимлар инфратузилмаси сифатида катта қайтим беради.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Миллий музейига тамал тоши қўйилганидан маълум бўлмоқдаки, музейнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳам нихотда катта. У дав-латнинг маданий сиёсатида муҳим ўрин эгал-лайди. Жаҳон ҳамжамиятига халқнинг бой ме-роси, қадриятлари ва тараққиёт йўли намо-и-иши этилади. Бугун Миллий музейнинг бун-ди учун бошланган қадамлар Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ўз тарихини қадрлаши ва уни дунё саҳнасида кўрсатишга интилишини бил-дирмоқда.

Ушбу улкан қўлдамда музей эртага қадриятларнинг ўзини англашда, сиёсий барқ-арорликда ва миллий ғояни шакллантиришда муҳим муассаса, марказ бўлиб хизмат қилади. Турли қатламларни ягона қадрият атрофида жамлашга ёрдам беради. Масалан, Ўзбекис-тон тарихи давлат музейига кирган одам минг йиллик тарихий жараёнларни кўриб, ўзини шу юртининг бир бўлаги сифатида ҳис қилади. Бу ижтимоий бирдамликни кучайтиради.

Музей, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлатнинг сиёсий қарашларини, тарихга му-носабатини ва миллий сиёсатдаги устувор йўналишларни кас эттиради. Мисол учун, му-стақилликдан сўнг очилган Қатонг қурбонлари хотираси давлат музейи бевосита тарихий адо-лат рамзи сифатида қад ростлади. Бу музей ин-сониятга нафақат ўтмиш хатоларини эслатади,

Сурхондарёда туризмни изчил ривожлантириш, воҳага келаётган сайёҳларни кўпайтириш, уларга кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.



ЖАНУБ ЁҚДАН ЯРҚИРАЙСАН, СУРХОНДАРЁ!

Вилоят статистика бошқармаси маълумоти-га кўра, жорий йилнинг дастлабки 5 ойида ту-ризм соҳасидаги хизматлар экспорти қиймати 2,8 миллион долларга тенг бўлган. Бу 2024 йил-нинг мос даври билан таққослаганда 9,1 фоиз кўп демакдир.

— Сурхон воҳаси ҳақида сўз кетганда муаррихлар, археолог ва фольклоршунос олим-лар унинг ўтмиши дунёдаги энг қадимги дав-латлар тарихи билан беллаша олишини айта-ди, — дейди тарих фанлари номоҳди, таниқли археолог Тўхташ Аннаев. — Бундай салмоқли таъриф берилиши бежиз эмас. Бошқа инсоният тараққиётининг энг қадимий бошқариладан бири бўлган. Ўз даврида илк давлатчилик, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик ва дастлабки сурма деҳқончилик ҳамда улкан бунёдкор-лик ишлари бошланишида пойдевор вази-фасини ўтатган Сурхон воҳасига қизиқмаслигининг, унинг асрлар оша сайқал топган манзаралари-дан завқланмаслигининг иложи йўқ.

Ҳақиқатан, бутун Ўзбекистон жаҳон сайё-ҳлик бозорида энг жозибадор мамлакатлардан бирига айланмоқда. Айниқса, туризм бизнеси-ни кенгайтиришга қаратилган эътибор тўғрйли сайёҳлик хизмати кўрсатадиган тадбиркорлар сафи кенгайиб борапти. Натигада меҳнат боз-орининг муайян сегментларида ижобий ўзг-аришлар кузатиламоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайти-риш ва туристик хизматлар қўламини жадал

ВОҲАНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИБ, ДУНЁ САЙЁҲЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА


кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиёт-даги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги фармони ҳам муҳим асос бўлди. Унга кўра, жойлаштириш воситаларини босқичма-босқич ривожлантириш, йирик, ўрта, кичик меҳмонхоналар ва бошқа туризм объек-тларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, тадбиркорларга ўз хизматларининг сифатини янада яхшилаш учун қўшимча шарт-шароит-лар яратиш алоҳида белгилаб берилган. Айни пайтда Бойсун ва Сарюсие туманларида ана шу вази-фалар ижроси таъминланмоқда. Хусу-сан, ушбу икки тумanning туризм имконияти юқори бўлган ҳудудларида апарта-отель, капсу-ла уйлар ва шу каби жойлаштириш восита-ларидан иборат замонавий дам олиш масканлари ташкил этиляпти. Мақсад мамлакатимиз иқти-содиётига муносиб хисса қўиш орқали халқи-миз фаровонлигини таъминлашдир.

— Омонхона қишлоғида 200 хонадон мав-жуд. Уларнинг барчаси Омонхона булогининг шифобахш сувидан ичиб, даволаниш, табиат гўзаллигидан баҳра олиш учун келган меҳ-монларни қабул қилади. Яъни 200 хонадонда бир вақтнинг ўзида 1500-2000 меҳмон қўноқ

бўлиши мумкин. Кунлик келиб-кетувчилар ҳам ҳисобга олинса, бир йилда 120 мингдан ортиқ сайёҳ Омонхонага келади, — дейди тадбиркор Иброҳим Хайдаров. — Бундан ташқари, қиш-логимизда 3 та замонавий меҳмонхона, 20 та оилавий меҳмон уйи, 2 та хостел ва 1 та 160 ўринли соғимоллаштириш санаторийси бор. Умумий овқатланиш ва бошқа савдо шохоб-чалари маҳаллий ҳамда хорижлик сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатапти. Омонхона бир вақтлар кўримсиз, ҳар йили санокли киши келадиган жой эди. Ҳозир мўъжаз шаҳарча кўри-нишига келган.

Бугун Бойсун туманида 293 ўринли 8 та меҳмонхона, 131 ўринга эга 4 та хостел, 498 ўринли 55 та меҳмон уйи мавжуд. Биргина 2024 йилда туманда жами қиймати 20 миллиард сўмга тенг 68 ўринли меҳмонхона ва бошқа шу турдаги объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, 2025-2026 йил-ларда яна еттига меҳмонхона барпо этиш ре-жалаштирилган. Бунинг учун 48 миллиард сўм йўналтирилади ва 46 та янги иш ўрни очилади.

Баланд тоғлар бағрида жойлашган Бойсу-ннинг ўзига хос табияти, мафтункор манзараси, ям-яшил арчазорлари, турли гиёҳлари ва сирли



ғорлари, қарийб 200 метр баландликдан — қоя-дан қояга урилиб тушётган шаршаралар ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Дарвоқе, ҳу-дуд экотуризм имкониятлари билан ҳам тобора танилиб бормоқда.

2021 йилда Сурхон воҳасига 91 минг 894 хорижлик сайёҳ келган. 2024 йилда эса воҳага келувчи чет элликлар 701 мингга етди. Жорий йилнинг биринчи чорағида 60 га яқин давлат-дан 147 минг киши келган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сайёҳлар сони 2,6 баро-бар ортиганини кўрсатади.

— Сурхондарё вилоятида ички туризмни ри-вожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила-ни боис, воҳага келувчи маҳаллий сайёҳлар сони йилдан йилга ортипти. Жумладан, 2021 йилда 762 минг 106 маҳаллий сайёҳга хизмат кўрсатилган. Ўтган йилга келиб эса, улар сони 1 миллион 700 га етган. Жорий йилда 2 миллион 200 маҳаллий сайёҳга хизмат кўрсатиш режалаштирилган, — дейди вилоят туризм бошқармаси бўлим мудири Шухрат Иброҳимов.

Туризм ривожланиши, сайёҳлар оқими кўпайишида меҳмонхона хизмати ҳам муҳим ўрин тутди. Жорий йилда Сурхондарёда меҳ-монхоналар сони 50 тага, оилавий меҳмон уй-лари 148 тага, хостеллар 25 тага етди. Шу та-риқа вилоятда сайёҳлар учун жами 5900 ўрин тайёрланди. Ҳар бир меҳмонхона замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, энг нозиктаб мижозларга ҳам юқори сифатли хизмат кўрса-тиш йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда 830 ки-шининг бандлиги таъминланган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

балки келажакда бундай зулм қайтарилмаслиги зарурлигини сиёсий хабар сифатида ҳам бериб туради.

Халқаро тажрибага назар ташласак, му-зейларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти янада равшанлашади. Германиядаги Берлин девори бўлаклари сақланаётган музейлар нафақат та-рихий ёдгорлик, балки сиёсий хотира маскани-дир. У ерга келган ҳар бир одам тоталитар ту-зумнинг оқибатлари, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги сиёсий қарама-қаршилиқлар қандай бўлганини ўз кўзи билан кўради. АҚШдаги “9/11 Memorial Museum” эса нафақат даҳшатли фожияни ёдга солади, балки терроризмга қарши кураш сиёса-тининг рамзий асосини мустаҳкамлайди.

Жорий йил 21 августда Президентимизнинг “Халқаро замонавий санъат биенналесини юқо-ри савияда ўтказиш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарори қабул қилинди. Энди 2025 йилдан ҳар 2 йилда 1 марта сентябрь-ноябрь ойларида Бухоро шаҳрида халқаро замонавий санъат би-енналеси ўтказиб борилади. Биринчи биенна-ле жорий йил 5 сентябрь — 20 ноябрь кунлари ўтказилмоқда. Биеннале ўтказиладиган 14 та маданий мерос объекти кўргазма ва тадбирлар, таълим ва тадқиқот, ижодиёт ва ишлаб чиқ-ариш жараёнлари уйғунлашган креатив кластер-га айлантирилмоқда. Дунёга танқиди ижодкор, мутахассис ва ошпазлар иштирокида кент жа-моатчилик учун 10 ҳафталик илмий-маърифий, маданий-кўнглиочар, сайёҳлик ва гастрономик дастурлар ташкил этиляпти.

30 дан ортиқ халқаро эксперт, куратор ва санъатшунос иштирокида халқаро академик симпозиум ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси маданий мерос тушунчасининг қийматини англашга яна бир бор ёрдам беради. Биеннале нафақат бадий тадбир, балки маданий дипло-матиянинг келажаги ва Ўзбекистоннинг кре-атив саноат тармоқларини ривожлантиришни муҳокама қилиш майдонига айланётганига ишонч беради.

Тарихга айланиш туйғуси инсонни ҳайратга солиши табиий, чунки одам ўзини фақат замо-навий ҳаёт жараёнида эмас, балки келажакнинг хотирасида ҳам кўра бошлайди. Бу эса унга икки хил қувватни тақдим этади: масъулият ва илҳом. Масъулият бутун қилаётган ҳар бир қадамимиз келажакда бизнинг кимлигимиз-ни кўрсатишини англашдан туғилади. Илҳом эса қилинган эзгу иш, қурилган бино, ёзилган асар абадиётнинг бир бўлағига айланида деган ишончдан келиб чиқади.

Айни дамда яратилган ва яратилаётган обидлар ёки замонавий марказларнинг ке-йинчалик маданий мерос мақомига эга бўлиши уларнинг энди фақат “музей экспонати” сифа-тида қолишини аналтмайди. Масалан, Мил-лий Олимпия шаҳарчаси ёки Миллий футбол маркази ҳозир спорт инфратузилмаси сифатида хизмат қилишга шай ҳолдада. Бир неча ўн, юз йиллардан кейин уларда ёзилган рекордлар, ға-лабалар, чемпионлар, ўтказилган нуфузли му-собақалар тарихга айланида ва бу ишшоотлар ҳам рамзий маънода меросга дўнади. Лекин бу уларнинг ҳозирги функцияси — спорт риво-жи ва халқаро ҳамкорлик маркази сифатидаги аҳамиятини йўққа чиқармайди. Аксинча, кела-жакда уларнинг мерос сифатида қадрланиши ҳозирги кун вази-фаларини янада масъулиятли қилади. Шу маънода, меросга айланиш эскир-ганлик эмас, аксинча, барча сайё-ҳаракатлари-миз абадий из қолдирётганини ҳис қилиш, ўз ишшимизга улкан маъно бағишлаш демакдир.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири